

ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАРГА КЎРА ФАЛСАФИЙ ТЕРМИНЛАР ТАВСИФИ

Бердибекова Хулкар Мавлоновна,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика
Университети таянч-докторанти

Аннотация:

Ушбу мақолада фалсафага оид терминларнинг изоҳли луғатда берилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, уларнинг лексикографик такомиллаштириш масаласи ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: термин, фалсафа, помета, луғат, изоҳ, тартиб, тамойил, лексикография, мақола, мисол.

Аннотация:

В данной статье представлены проблемы, связанные с определением философских терминов в толковом словаре и их анализом, а также обсуждается вопрос их лексикографического совершенствования.

Ключевые слова: термин, философия, помета, словарь, объяснение, порядок, принцип, лексикография, статья, пример.

Abstract:

This article presents problems related to the definition of philosophical terms in an explanatory dictionary and their analysis, and discusses the issue of their lexicographic improvement.

Keywords: term, philosophy, pometa, dictionary, explanation

Ўзбек тили лексикаси системасининг узвий компоненти ҳисобланган фалсафий терминларнинг семантик тузилишидаги умумий ва хусусий (фарқловчи) белгиларни ажратиш, уларнинг ўзига хосликлари, денотатив, коннотатив ҳамда функционал маънолари хусусиятлари, семема таркибида мавжуд яхлит имкониятлар, лексемалар ўзаро семантик муносабатларининг ўрганилиши уларнинг лисоний қийматини белгилашда ўзига хос аҳамиятга эга. Семасиологиядаги энг муҳим масалалардан ҳисобланган бирликнинг мазмуний тузилиши ва лексик-семантик муносабатларнинг терминларда ўрганилиши унинг умумистеъмол сўзларидан фарқли томонларини кашф

этиш, шунингдек, лексикографик талқинда чалқашликларнинг олдини олиш ҳамда изоҳнинг нисбатан мукамаллигини таъминлашга ёрдам беради.

Тилшунос Фердинанд де Соссюрнинг фикрича, лексик маънонинг парадигматик структур тури фарқловчи маъно. Бу маънода ўхшашлиги асосида ўзаро боғлиқ ва оппозицияда бўлган бир жинсли лексик birlikларнинг муайян гуруҳ ҳосил қилувчи муносабати ифодаланади, лексик birlikни ўзаро ўхшаш лексемалар билан зидлаш асосида тил системасидаги ўрни кўрсатилади. Лексик парадигмаларга синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар, лексик-семантик гуруҳлар, мазмуний майдон кабилар мисол бўлади.

Терминларнинг ҳам тил системасида тутган ўрни, фарқловчи маъноси асосида қайси лексик-семантик гуруҳга мансублиги аниқланади. Бу эса, соҳа ичида мавжуд йўналишларни белгилаб берувчи лексемалар гуруҳини аниқлаш, бу орқали ушбу кичик йўналишларга оид birlikларни ўзаро чалқаштириб юбормаслик ҳамда шу орқали терминларнинг тўғри қўлланишини таъминлаш кабиларга эришилади. Фалсафа соҳасига оид терминларнинг сигнификатив маъноси асосида унинг нафақат тил системасидаги ўрни – қайси лексик-семантик гуруҳга мансублиги, балки жамиятда қайси жараён ёки номни атовчи birlik экани асосида муайян гуруҳга тегишли термин экани ҳам белгилаб берилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилган терминларнинг мазмуний муносабатларга кўра гуруҳлари бўйича тавсифи ва таҳлили айнан қайси гуруҳга оид терминларнинг фаол берилганлиги ва шу орқали бунинг муайян сабабини аниқлаш имконини беради.

Давлатимиз иқтисодиёти ва бошқа соҳаларнинг жадаллик билан ривожланиши сабабли ўзбек тилининг ички ва ташқи имокониялари асосида илмий жиҳатдан тўғри ва аниқ терминлар яратиш иши терминология олдида қўйилган муҳим вазифалардан. Терминларнинг тилга “олиб кирилиши”, “ясалиши” жараёнлари эса калкалаш билан чамбарчас боғлиқ. Шунини таъкидлаш жоизки, ўзбек тили терминологиясида терминларни калкалаш жараёнида қатъийликка риоя қилинмаганлиги натижасида бир терминнинг икки ва ундан ортиқ синонимлари юзага келаётганлигини кузатиш мумкин. Синонимларнинг миқдори тилнинг лексик бойлигини аниқловчи белгилардан экани шубҳасиз. Аммо терминологияда соҳага оид тушунчаларни яқка birlik ёрдамида ифодалаш ундаги мукамаллик мезони.

Ўзбек тили терминологиясида мавжуд синонимия ҳодисасига бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд ва амалга оширилаётган бўлса ҳам, терминлар маънодошлиги бўйича аниқ тўхтамга келинмаган. Баъзи тилшунослар терминологияда полисемия ва синонимия ҳодисаларига салбий қарайди, хусусан, Д.С.Лотте терминологияда кўпмаънолилиқ ва маънодошлиқ зарарли деб ҳисоблайди ва буни бир қатор мисоллар билан исботлаб беради. [1] Ўзбек тилининг терминологиясига синонимия ҳодисаси

хос эканини таъкидлаб, Қ.Сапаев терминологик тизимда синоним терминлар, аввало, шу тилнинг ўзига хос ички имкониятлари асосида, иккинчидан, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ёки диалектал сўзларнинг терминологик системага кириб келиши натижасида содир бўлиши фикрини илгари суради. [2]Тилшунос олим Р.Шукуров эса ўзбек тили терминологиясида полисемия ва синонимия ҳодисалари учраши, хусусан, терминологик тизимларда синонимия ҳодисаси ҳамда лексик дублетликнинг фарқли жиҳатларига батафсил тўхтаб ўтган.[3] Муайян тилдаги маънодошлик ўзлашма сўзлар ҳисобига ҳам юзага келади ва ортиб боради. Аслида синонимия бирдан ортиқ тил бирлигининг аташ маънолари бир хиллиги асосида вужудга келади. Бу birlikлар ҳам ўз ички хусусиятига кўра системани ташкил этади. Системавийлик хусусиятларини ҳисобга олиб, синонимик муносабат ҳосил қилувчи тил birlikлари жамланган ҳолда синонимик уя ёки синонимик қатор деб аталади. Терминшунос олимларнинг таъкидлашича, терминологик синонимия терминологик меъёрларнинг бузилиши натижаси, бунга ижобий ҳодиса сифатида қаралмайди. Лисоний ҳодиса сифатида синонимия ҳақида назарий қарашларнинг умумий мазмуни мавжуд. Айрим тилшунослар “маънодошлик муносабати сўзнинг умумий маъноси асосига қурилади”[4] деган фикрни билдиради, баъзилар эса сўздаги мазмуний ҳамда предметга хос жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлиги[5] орқали бу ҳодисани изоҳлайди. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса “синонимика фойдаланишнинг структуравий модели ва шунга ўхшаш мослик моделларининг умумийлигидан келиб чиқади”¹ деган фикрни илгари суради.

Синонимия ҳодисасига оид илмий қарашларда уйғунлик ва узвийлик мавжуд дейиш мумкин. Аммо терминологик birlikлар синонимияси ҳақида сўз борса, кўриш мумкинки, ҳали жавоб топилмаган назарий муаммолар мавжуд. Умумистеъмол тили ва махсус луғатлар синонимикасида мавжуд фарқларни инобатга олган ҳолда, тилшунос олимлар мазкур ҳодисани “дублет”, “вариант” терминлари билан номлашни таклиф қилишган ва ҳодисанинг ўзини шартли синонимия деб аташган.[6] Ушбу шартли синонимия ҳодисаси фалсафий терминология соҳасида кўриб чиқилиши зарур. Замонавий терминологияда терминларни тизимлаштириш орқали тегишли илм-фан ёки техника соҳаси ривожлантирилади ҳамда тартибга солинади. Шу сабабдан ҳам синонимик терминларнинг умумий тадқиқи фалсафа соҳасида синонимик қаторда жойлашув ўрнига (қўлланиш фаоллигига) кўра турғун терминни аниқлашга, ўринли бўлса байналмилал вариантнинг миллий birlik билан ўрин алмашишига оид хулосалар беришга, замон билан боғлиқ бўлган семантик таркибнинг ўзгарувчанлиги табиий эканини ҳисобга олиб, синонимик уяда тушунчани тўлиқ ифодалай олмайдиган

бирликнинг синонимик қатордан, жоиз бўлса терминологик тизимдан (эскирган сўз сифатида бўлса ҳам) чиқарилишига оид амалий-илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – 21,22 с.
2. Сапаев Қ. Курилиш терминологиясидаги синонимия масаласига доир. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – 37,39 б.
3. Шукуров Р. Терминлар синонимияси хусусида. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминологияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – 32,34 б.
4. Левандровская Н.В. Глагольная синонимия в терминологии военной авиации (на материале английского ирусского языков) / Н.В. Левандровская // Современная лингвистика: теория и практика: материалы VII Межвуз.науч.-метод. конф. – Краснодар, 2007. – Ч. 1. – С.97.; Головин Б.Н. Лингвистические основы учения о терминах/ Б.Н. Головин, Р.Ю. Кобрин. – М.: 1987. – 104 с.
5. Буянова Л.Ю. Термин как единица логоса: моногр./ Л.Ю. Буянова. – Краснодар, 2002. – 184 с.; Кортун Е.А. Синонимия авиационных терминов (на материале английского языка) Вестник Череповецкого государственного университета 62 2012 • № 1 • Т. 1. 62–66 с.
6. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания / В.П. Даниленко. – М.: 1979. – 246 с.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати